

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРНИНГ КАФОЛАТЛАРИ: ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА ҲАЛҚАРО ТАЖРИБА

*Қаршиева Мафтуна Мусурмон қизи
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси магистратура битириувчиси*

Аннотация: мақолада аёлларниң жиноят процессуал ҳуқуқий муносабатлардаги ҳуқуқларининг ҳалқаро ҳужжатлардаги кафолатлари ва уларниң миллий қонунчиликда жорий этилганлик даражаси таҳлил қилинганд. Шунингдек, Европа Иттифоқининг гендер тенглиги билан боғлиқ тавсияларни ёритилган.

Калит сўзлар: аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглиги, одил судлов, жиноят процесси.

Аннотация: в статье анализируются гарантии прав женщин в уголовно-процессуальных правоотношениях в международных документах и степень их внедрения в национальное законодательство. В нем также рассматривались рекомендации Европейского союза в отношении гендерного равенства.

Ключевые слова: права женщин, гендерное равенство, правосудие, уголовный процесс.

Abstract: the article analyzes the guarantees of women's rights in criminal procedural legal relations in international documents and the degree of their implementation in national legislation. It also considered the recommendations of the European Union on gender equality.

Keywords: women's rights, gender equality, justice, criminal procedure.

Демактратик давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳуқуқий муносабатларда одил судловни таъминлаган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигига эришишдир. Инсон ҳуқуқларини хурмат қилиш ва ҳимоя қилишда керакли ҳимоя воситаларидан фойдаланиш самарали натижа беради. Одил судловга эришиш ҳамма замонларда ва ҳар бир давлат ҳокимияти учун қийин вазифа бўлган.

Бундай қийинчиликлардан бири адлия тизимида аёллар учун худди эркаклар каби тенг ҳуқуқий шароит яратиш. Аёллар ва эркаклар ўртасидаги доимо иқтисодий ва ижтимоий тенгсизлик, гендер тарафкашликлари ва гендер стереотиплари уларниң адолатга тенг даражада эга бўлишларига тўсиқ бўлган. Аёлларниң одил судловдан тенг фойдаланишига тўсқинлик қиласиган яна бошқа тўсиқлар мавжуд: табулар, нотўғри қарашлар, урф-одатлар, қашшоқлик,

маълумотларнинг етишмаслиги, маданий тўсиқлар, қўркув, уят, қонунчилик ва уларни амалга оширишдаги бўшлиқлар.

Бугунги кунда аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи ўтмишдагига қараганда анча сезиларли даражада ўзгарган. Эндиликда аёллар давлат бошқарувида иштирок этишлари, сайлашлари ёки сайланишлари, меҳнат, спорт, иқтисодий ва бошқа барча соҳалар эркаклар сингари тенг ҳуқуқли субъект бўлишлари мумкин. Далват буни қўллаб-қувватлаши, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш шарт.

Давлат томонидан жиноий ҳуқуқий муносабатларда аёлларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири хисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан аёлларнинг жиноят процессида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган.

“Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисида”ги Декларациясига¹ кўра, ҳуқуқбузарлик ва зўравонлик ҳаракатларига учраган аёлларга етказилган зарарни қоплаш учун давлатлар ички қонунчилик доирасида жиноий, фуқаролик, меҳнат ва маъмурий жазо чораларини ишлаб чиқиш, худди шунингдек, зўравонлик ҳаракатларига дучор бўлган аёлларга одил судловни амалга ошириш механизмларидан фойдаланиши, уларга етказилган зарарни қоплаш учун адолатли ва самарали воситалардан фойдаланиш имконияти таъминланиши ва давлатлар аёлларни бундай механизmlар орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари ҳақида хабардор қилишлари кераклиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг V бўлимида умумий тартибдаги жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш тартиби келтирланган бўлсада, аёллар учун алоҳида тартиб белгиланмаган.

Ушбу Декларациясининг 2-моддаси “Г” бандига кўра, жиноят қонунчилигининг аёлларга нисбатан камситишини ташкил этувчи барча қоидаларини бекор қилишлар баён этилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида аёлларнинг ҳуқуқларининг камситилишини олдини олиш бўйича қатор моддалари киритилган. Масалан, барча судларда жиноят ишлари ошкора кўрилади, бундан давлат сирларини қўриқлаш манфаатларига зид келадиган ҳоллар, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилаётган ҳоллар мустасно (19-модда); тергов ёки суд ҳаракатлари билан боғлиқ ишларни бажараётганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва ишда мутахассис ёки эксперт сифатида иштирок этаётган шифокорлардан бошқа шахсларнинг ўзга жинсдаги шахсни яланғоч қилиб ечинтириш чоғида ҳозир бўлишлари тақиқланади (88-модда З-қисм); жинсий эркинликка қарши, ўн

¹ “Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисида”ги декларация Бош Ассамблеянинг 1993 йил 20 декабрдаги 48/104 резолюцияси.

саккиз ёшга тўлмаган шахслар савдосига оид жиноят ишлари бўйича вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш, шунингдек бошқа ҳолатларда сўроқ қилиш, агар буни одил судловнинг ёки вояга етмаган шахснинг манфаатлари талаб этса, стенография, видеокузатув, шунингдек аудио- ва видео қайд этиш тизимлари билан жихозланган маҳсус хонада қонуний вакил, педагог ва (ёки) психолог иштирокида ўтказилиши мумкин (121-модда 6-қисм); шахсий тинтуб ҳамда нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш тинтилаётган шахс билан бир жинсдаги мутахассис ҳамда холислар иштирокида ўтказилиши мумкин (162-модда 4-қисм); намуна олиш намуна олинувчини ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, шифокор, бошқа мутахассис, холислар намуна олинувчи шахс билан бир жинсда бўлишлари лозим (196-модда 2-қисм) ва гувоҳлантириш ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, алоҳида хонада шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан, гувоҳлантирилаётган шахснинг жинсидаги холислар иштирокида ўтказилади (445-модда 2-қисм).

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пактнинг² 9-моддаси З-бандига кўра, жиноий айблов бўйича ҳибсга олинган ёки қамоққа олинган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун томонидан суд ҳокимиятини амалга ошириш ваколатига эга бўлган бошқа мансабдор шахс олдига келтирилиши ва тегишли муддатда судга тортилиши ёки озод этилиши ҳуқуқига эгадир. Суд муҳокамасини кутаётган шахсларни қамоққа олиш умумий қоида бўлмаслиги керак, лекин озод қилиш судга келиш, суд муҳокамасининг бошқа ҳар қандай босқичида ҳозир бўлиш ва зарурат туғилганда ҳукмни ижро этиш учун ҳозир бўлиш кафолатларини таъминлаш шарти билан амалга оширилиши мумкин. Миллий қонунчилигимизга кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш учун суд ва прокурор қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёхуд суд ҳукмида назарда тутилганидан ортиқ муддат хибсда ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган ёхуд уй қамогида бўлган ҳар қандай шахсни дарҳол озод қилиши шарт (ЖПК 18-модда 3-қисм).

Ушбу Халқаро пактнинг 14-моддасида барча шахслар судлар олдида тенг эканликлари, ўзларига нисбатан қўйилган ҳар қандай жиноий айблов билан танишишга, қонунда белгиланган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан жиноий қилмишлари адолатли ва ошкора кўриб чиқилишига ҳақли; жиноий ишлари бўйича ҳар қандай суд қарори очик бўлиши; жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир шахс айби қонунга мувофиқ исботланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақли; ҳар бир инсон ўзига қўйилган жиноий айбловни кўриб чиқишида тўлиқ тенглик асосида унга нисбатан қўйилган жиноий айбловнинг моҳияти ва сабаби тўғрисида ўзи тушунадиган тилда тез ва батафсил маълумот

² “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғриси”даги Халқаро пакт Бош Ассамблеянинг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI) резолюцияси билан қабул қилинган.

олиши; агар бирон-бир шахс қонуний кучга кирган ҳукм билан жиноят содир этганикда айбдор деб топилган бўлса, бироқ кейинчалик унинг судланганлиги бекор қилинган ёки янги очилган ҳолат бўйича нотўғри ҳукм чиқарилганлиги аниқланиб, кўрсатилган номаълум ҳолат ўша вақтда тўлиқ ёки қисман унинг айби билан аниқланмаганлиги исботланмаган бўлса, ушбу шахс судланганлиги ва жазога тортилганлиги учун қонунга мувофиқ товоң олиши; ҳеч ким давлатнинг қонунчилиги ва жиноий процессуал қоидаларига мувофиқ охир-оқибат судланган ёки оқланган жинояти учун қайта кўриб чиқилиши ёки жазоланиши мумкин эмас; ҳеч ким содир этилган вақтда амалдаги миллий ёки халқаро ҳуқуққа мувофиқ жиноий ҳуқуқбузарлик ҳисобланмаган ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун жиноят содир этишда айбдор деб топилмаслиги; жиноий ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтдаги жазодан оғирроқ жазо қўлланмаслиги; жиноят содир этилгандан кейин қонунда енгилроқ жазо белгиланган бўлса, ушбу қонуннинг амал қилиши ушбу жиноятчига нисбатан қўлланилиши керак.

“Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий судловда аёлларга нисбатан зўравонликни бартараф этиш бўйича намунавий стратегиялар ва амалий чора-тадбирлар”га³ асосан, аёлларга нисбатан зўравонликнинг кўп қирралилиги зўравонликнинг турли шаклларига қарши курашиш ва у содир бўлган турли контекстларни ҳал қилиш учун турли стратегиялар зарурлигидан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноий судловни амалга оширишда аёлларга нисбатан зўравонликни бартараф этиш мақсадида ҳуқуқий муносабатларнинг бир неча йўналишларига оид амалий чора-тадбирлар, стратегиялар ва тадбирлар келтириб ўтилган. Мисол учун, агар бошқача кўрсатилмаган бўлса, “аёллар”га “қизлар” ҳам кириши қайд этилган.

Ушбу хужжатда аъзо давлатларга қуидаги мақсадларда ўзларининг жиноят процессуал оид қуидаги таклифлар илгари сурилади:

- а) суд ҳокимиятининг қарори билан полицияга аёлларга нисбатан зўравонлик қуролларни мусодара қилиш ҳолатларида биноларга кириш ва ҳибсга олиш учун зарур ваколатлар берилиши;
- б) зўравонликка учраган аёлларга нисбатан жиноий жавобгарликка тортиш ваколати прокуратура органларига юклатилиши;
- в) зўравонликка учраган аёллар бошқа гувоҳлар билан teng асосда суд муҳокамасида кўрсатма бериш имкониятини бериш ва шахсий дахлсизликни ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

³ “Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий судловда аёлларга нисбатан зўравонликни бартараф этиш бўйича намунавий стратегиялар ва амалий чора-тадбирлар” Бош Ассамблеянинг 1997 йил 12 декабрдаги 52/86 резолюцияси билан қабул қилинган.

д) зўравонлик билан боғлиқ ҳар қандай жиноятларда тўлиқ жиноий жавобгарликдан озод этилишига йўл қўйилмайди;

э) спиртли ичимликлар ёки гиёхванд моддалар таъсирида бўлган аёлларга нисбатан ихтиёрий равишда қабул қилган зўравонлик ҳаракатларининг айборлари жиноий ёки бошқа жавобгарликдан тўлиқ озод қилмаслик;

ф) айбланувчилар томонидан илгари содир этилган зўравонлик, таъқиб ва эксплуатация ҳаракатларининг далиллари жиноят қонунчилиги талабларига мувофиқ суд муҳокамасида кўриб чиқилиши;

г) давлат конституцияга мувофиқ судларга аёлларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари бўйича ҳимоя ёки эҳтиёт чораси қўллаш, шу жумладан жиноятчиларнинг жабрланувчи, бошқа зўравонлик қурбонлари зарар етказишларини олдини олиш мақсадида уларга яқин келмасликларини таъминлаш;

з) зарурат туғилганда жабрланганлар ва уларнинг оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек уларни таҳдид ва репрессиялардан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

и) озодликдан маҳрум қилиш, қамоқдан шартли равища озод қилиш ёки бошқа жазо турларини тайинлаш аёлларнинг хавфсизлик масалаларини ҳисобга олиш керак.

Юқорида келтирилган хужжатда шунингдек, полицияга аёлларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ амалдаги қонунлар, кодекслар ва тартибларнинг қатъий бажарилишини таъминлаш, шунда аёлларга нисбатан зўравонликнинг барча жиноий ҳаракатлари учун жиноий иш қўзғатиши мажбурияти юкланиши; аёл жабрланувчи ва гувоҳларнинг хавфсизлигини жиноят процесигача, давомида ва ундан кейин ҳимоя қилиш; зўравонликка учраган аёлларга жиноят процессида иштирок этиш, процесс муддати, бориши ва якуний натижалари тўғрисидаги маълумотлардан ташқари хуқуқлар ва ҳимоя воситалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этилиши; зўравонлик қурбони бўлган аёлларнинг муаммоларини ҳал қилишда жиноий адлия тизимиға ёрдам бериш учун намунавий тартибларни ишлаб чиқиш; аёллар учун адолат ва тенг хуқуқларни қўллаб-қувватлайдиган жиноий адлия тизимиға жалб қилинган адвокатлар учун мажбурий амалиёт ва хатти-ҳаракатлар стандартларини ишлаб чиқиш учун профессионал уюшмаларни рағбатлантириш ва бошқа қатор таклифлар ишлаб чиқилган.

Евropa Иттифоқининг фон дер Ласен комиссияси томонидан 2020-2025 йилга мўлжалланган гендер тенглиги стратегияси доираси аёллар ва эркакларнинг жиноят процессида тенг хуқуқларга эга бўлиш учун қатор ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Мисол учун. 2022 йил 8 марта Евropa комиссияси аёлларга нисбатан зўравонлик ва оиласидаги зўравонликка қарши

кўрсатма бўйича янги умумевропа таклифи билан жиноят қурбонлари гуруҳининг ҳуқуқлари бўйича мақсадли минимал қоидаларни жорий этишга ва жиноят жавобгарликка тортишга интилмоқда.

Евropa Кенгашининг ушбу соҳадаги бошқа ҳаракатлари қўйидагилардан иборат:

- аъзо давлатларни Евropa Кенгаси ва бошқа тегишли ҳужжатларни, шу жумладан CEDAW (Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination against Women)нинг аёлларнинг одил судловдан фойдаланиши бўйича 33-сонли умумий тавсиясини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишда қўллаб-куватлаш (2015);

- аёлларнинг адолатга киришдаги тўсиқларни камайтириш ва осонлаштириш учун аъзо давлатларнинг илғор тажрибаларини аниқлаш, тўплаш ва тарқатиш;

- жиноят ишларида аёлларнинг иштироки, уларнинг ҳуқуқларининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар билан боғлиқ маълумотларнинг этишмаслиги ва камлиги бартараф этиш учун тадқиқот ва стандартлаштирилган маълумотлар йиғишини рағбатлантириш;

- Евropa Кенгашининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган судлар мустақиллиги ва холислиги бўйича Ҳаракат режасига мувофиқ - тадқиқот, мониторинг, ўқитиши, таълим бериш, салоҳиятни ошириш ва Евropa Кенгаси ва халқаро ҳуқуқ ҳужжатларига мувофиқ ва бошқа минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда миллий даражада илғор тажрибаларни илгари суриш;

- халқаро конвенциялар ва қонунчилик асослари, шу жумладан CEDAW ва Истанбул конвенцияси контекстида ва адлия мутахассислари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг эҳтиёжларига мослаштирилган гендер тенглиги ва аёлларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув воситалари ва материалларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш;

- аёлларнинг одил судловга эришиши, шу жумладан судлов стереотиплари, гендер зўравонлик ва камситищдан ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқшунослар ўртасида хабардорликни ошириш ва яхшироқ тушунишни таъминлаш учун суд қарорларини мониторинг қилиш ва кузатиш;

- жинсга асосланган камситишларга қарши курашиш ва гендер тенглигини, шу жумладан суд жараёни орқали рағбатлантириш бўйича миллий тенглик органларининг ишини ва мустаҳкамланишини рағбатлантириш;

- жабрланувчиларни қўллаб-куватлашнинг мавжуд воситалари ва адолатли судловга эришиш жараёнида аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш учун илғор тажрибаларни аниқлаш ва тарқатиш;

- зўравонликдан омон қолганлар, мухожирлар, қочқинлар ва бошпана излаётган аёллар, жинсий нафрат сўзларининг нишонлари каби ўта заиф вазиятларда аёлларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда аёлларнинг одил судловга киришини рағбатлантириш бўйича Европа Кенгашининг асосий воситалари ҳақида ахборот воситаларини ишлаб чиқиш ва бошқалар⁴.

Мамлакатимиз жиноят процессуал қонунчилиги доирасида аёллар ҳуқуқларини максимал даражада ҳимоя қилинган бўлсада, қабул қилинган қонунларнинг амалда бажаралишининг самарали механизмларини, тенг ҳуқуқлиликни бузганларга нисбатан тегишли тартибда қонуний чораларнинг кўрилиши, қонунчиликда камситишга қарши маҳсус чораларни ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлашга оид тадбирлар амалиётга жорий этилмоғи керак. Қонунларнинг амалиётда самарали ишлаши учун аёлларга уларнинг жиноят процессидаги ҳуқуқларнинг тушунтириш билан боғлиқ тарғибот, ўқитиш ишларни олиб бориш ҳам самарали натижа бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.
2. “Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисида”ги декларация Бош Ассамблеяниң 1993 йил 20 декабрдаги 48/104 резолюцияси.
3. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғриси”даги Халқаро пакт Бош Ассамблеяниң 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI) резолюцияси билан қабул қилинган.
4. “Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий судловда аёлларга нисбатан зўравонликни бартараф этиш бўйича намунавий стратегиялар ва амалий чора-тадбирлар” Бош Ассамблеяниң 1997 йил 12 декабрдаги 52/86 резолюцияси билан қабул қилинган.
5. Communication from the Commission to the European Parliament, the Council, the European economic and social committee and the committee of the regions a Union of Equality: Gender Equality Strategy 2020-2025.

⁴ Communication from the Commission to the European Parliament, the Council, the European economic and social committee and the committee of the regions a Union of Equality: Gender Equality Strategy 2020-2025.